

---

## Коррупция – жамият кушандасидир!

Бугун Риштон тумани ҳокимлиги мажлислар залида “давлат органлари ва ташкилотлари, корхона ва муассасалари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларини коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш – энг устувор вазифа” лойиҳаси доирасидаги тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда масъул ходимлари томонидан ишга қабул қилинганидан сўнг ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, бўлимда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш мавзусида ижтимоий тадбирларга ходимларни кенг жалб қилишга қаратилган масалаларни муҳокама қилинди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, бугунги кунда коррупция фуқароларнинг ижтимоий адолатга, давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради, давлатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса жамиятдаги маънавий муҳитни бузилишига олиб келади. Коррупция – бу мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндиси эканлиги, айтилиши ҳамда коррупцияга қарши курашиш барча давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда молиявий муассасаларда устувор вазифага айланганлиги борасидаги кенг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. < Коррупцияга қарши кураш маълумки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми ҳисобланади ва унга кўра коррупцияга мойил бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, коррупция омилларининг олдини олиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадларидан бирига айланган.

2022-04-23 06:22:40